

Мавзу: ЗАХИРА ЕРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ХОЛАТИ

1. Захира ерлардан фойдаланиш ҳуқуқи;
2. Ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назорати;
3. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобудгарчилигининг ўрнини қоплаш масалалари

Захира ерларининг тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида баён қилинган. **Ер кодекснинг 78-моддаси**да таъкидланишича, кодексни 8-моддасининг 1-7-бандларида кўрсатилган ер фонди тоифаларига киритилмаган ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун, ижарага ва мўлк қилиб берилмаган (реализация қилинмаган) барча ерлар захира ерлардир.

Захира ерлар туман, шаҳар давлат хокимияти органларининг тасарруфида бўлади ва ушбу Кодексга мувофиқ асосан қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага беришга мўлжалланади.

Захира ерлар – Ўзбекистон ер фонди таркибида мустақил тоифани ташқил этиб, уларнинг майдони **7596,1 минг га** ёки бутун ер фондининг **17,0 %** ини ташқил этади.

Маълумки, давлатнинг ерга бўлган эгаллик ҳуқуқини амалга оширувчи Республика ҳокимияти идоралари ер участкаларини корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасида тақсимлайдилар. Бир қисм ерлар эса бўлинмасдан қолади. Булар, асосан, ўзлаштирилмаган ерлардир. Булар кейинчалик хўжалик оборотига киритиладиган резерв ёки экологик мувозанатни таъминлаб турадиган ерлардир. Шундай қилиб, захира ерларни икки турга бўлиш мумкин:

- ердан фойдаланишда резерв ролини ўйнайдиган, яъни кейинчалик фойдаланиш учун база бўлиб хизмат қиладиган;
- фойдаланишга умуман яроқсиз бўлган ерлар.

Захира ерлар асосий фойдаланиш мақсадига кўра хар қандай бошқа ер фонди тоифасига ўтиб кетиши мумкин. Бундай холатларда уларга ўша ер фондининг ҳуқуқий холати қўлланилади. Давлат захира ерлари **қисқа муддатли – 3 йилгача** ва узоқ муддатли – **3 йилдан 10 йилгача** муддатга берилиши мумкин. Қоидага кўра, қисқа муддатга берилган ер участкалари захира ерлар таркибида ҳисобланади. Муддатнинг тугаши билан эса у бошқа ердан фойдаланувчиларга берилиши ёки захира ерлар таркибида қолиши мумкин. Бошқа ҳамма холатларда, масалан, узоқ муддатга фойдаланиш учун берилганда бу ерлар захира ерлар фонди тоифасидан чиқиб кетади. Захира ерлар асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, шунингдек саноат, транспорт, бошқа ноқишлоқ хўжалик мақсадлари, жамоа боғдорчилиги ва полизчилигини ривожлантириш учун захира бўлиб хизмат қилади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, захира ерлар кейинчалик кўпроқ қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларига эгаллик қилиш, фойдаланишга ва ижарага бериш учун мақсад қилиб қўйилади.

Захира ерлар туман, шаҳар давлат ҳокимияти органларининг тасарруфида бўлади. Бундан ташқари, захира ерлар қишлоқлар ўзини ўзи бошқарув идоралари ихтиёрида ҳам бўлиши мумкин. Бу идоралар захира ерларни юқорида санаб ўтилган мақсадлардан ташқари, яна уй-жой қуриш учун фуқароларга, хизмат юзасидан чек ерлар сифатида беришлари мумкин. Бунда, албатта, бу ерларни қишлоқ хўжалиги мақсадларида ишлатиб бўлмаслигини эътиборга олиш лозим. Ҳеч кимга фойдаланиш учун берилмаган захира ерлар бирон бир киши томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниши мумкин эмас. Захира ерлардан фойдаланиш устидан назоратни ҳокимият идоралари олиб борадилар.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ҳамда Адлия вазирлигида 2001 йил 26 апрелда 1029 рақами билан рўйхатдан ўтказилган Назорат органлари томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ерга оид қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат органларининг ваколатли мансабдор шахслари қонун бузилишининг турларини, ерга оид қонун ҳужжатлари бузилиши туфайли етказилган зарарни, аниқ айбдор шахсларни аниқлайдилар ва қонун бузилиши тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирадилар.